МАРҒИЛОН УЕЗДИДА ПАХТАЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ДОИР АРХИВ МАНБАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

(Чор мустамлакачилиги даври мисолида)

А.Мирзаев

Мақолада Марғилон уезди бошлиғининг 23-фондидаги архив ҳужжатлари мисолида Фарғона вилоятида колониал даврда пахтачиликнинг ривожланиши тарихининг айрим масалалари манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилган ва ёритилган.

***Калит сўзлар**: фонд, волость, фармойиш, таноб, боттмон, мустамлака.*

В статье на примере архивных документов 23–фонда начальника Маргиланского уезда с источниковедческой точки зрения проанализированы и освещены отдельные вопросы истории развития хлопководства в Ферганской области в колониальный период.

***Ключевые слова**: фонд, волость, циркуляр, танап, десятина, колония.*

This article is bsed on the example of the archival documents 23 - fund of the govener of Margilan district, there are analysed and consecrated the separate questions of the history of development of the cotton growing process in the Fergana area in colonial period.

***Key words:** fund, volost, circular, tanap, dessiatina, colony.*

***А.Мирзаев** – АДУ умумий тарих кафедраси катта ўқитувчиси.*

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги йилларда жамият ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, тарих фани соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда. Коммунистик мафкура таъсирида бузиб кўрсатилган, баъзи саҳифалари умуман ёритилмаган тарихимиз холисона ўрганилмоқда, ҳаққоний тарих баён этилмоқда. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" асарида тарихчилар олдида турган вазифалар ҳақида гапириб шундай деган: «Муайян масалада турли фикрларни бериш, баҳс орқали ҳақиқат ойдинлашувига эришиш лозим. Тарихий воқеаларни, шахслар фаолиятини изоҳлаш йўли билан одамларни асл ҳақиқатдан огоҳ этишимиз керак" [1.28]. Шу йўналишда бир қатор илмий-тарихий асарлар яратилди. Тарихни тўғри тушуниш, янги жамият қуришда унинг сабоқларидан фойдаланиш эндиликда маънавий заруратга айланди [2.5].

Ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини тиклашда архив ҳужжатларининг аҳамияти каттадир. Илгари ўрганилмаган, истибдод мафкурасига мос тушмагани учун четлаб ўтилган архив ҳужжатларини илмий муомалага киритиш чоризм ва совет мустамлакачилари сиёсатининг асл моҳиятини очиб, халқимизнинг ҳаққоний тарихини ёритишга ёрдам беради [3.4].

Қўқон хонлиги тугатилгач, император Александр II нинг фармони билан 1876 йил 19 февралда Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фарғона вилояти ташкил этилди. Вилоят таркибига Марғилон, Андижон, Наманган, Қўқон, Чимён, Чуст ва Ўш уездлари кирган. Кейинчалик, 1886 йилда "Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом" қабул қилингач, Чимён уезди Марғилон уездига, Чуст уезди Наманган уезди таркибига қўшилиб, 1917 йилга қадар вилоятда 5 та уезд мавжуд бўлган.

Чор ҳукумати Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин пахтачиликни ривожлантиришга, ўз тўқимачилик саноатини пахта хом ашёси билан таъминлашга алоҳида эътибор берди [4.108]. Туркистон ўлкасини арзон пахта хом ашёси базасига айлантириш учун пахтачилик соҳасини ривожлантириш учун бир қатор чоралар кўрилди.

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг 23-фондидаги айрим ҳужжатлар манба сифатида таҳлил этилиб, Марғилон уездида 1876 – 1917 йиллар мобайнида пахтачилик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ёритилади.

Марғилон уезди ва унинг бошқармаси Туркистон генерал-губернаторининг 1876 йил 6 мартдаги бўйруғи билан ташкил этилди (1910 йилда уезд номи Скобелев деб ўзгартирилди). Уезд бошқармаси 1917 йилнинг охирига қадар фаолият кўрсатган. Мазкур фондда сақланаётган Туркистон генерал-губернаторлиги, вилоят ва уезд бошқармалари ҳамда волость бошқарувчилари ўртасидаги пахтачилик ва пахта саноатини ривожлантириш, шунингдек, ирригация масалалари бўйича олиб борилган ёзишмалари, фармойиш, буйруқ, маъруза, билдирги, маълумот сингари ҳужжатлар мавзуни ёритишда муҳим аҳамият касб этади [5.52-53].

Уездлар бир нечта участкаларга бўлинган. Хусусан, Фарғона вилояти уездларида 20 тадан участка бўлиб, улар участка бошлиғи томонидан бошқарилган [6.14]. Айтиш мумкинки, уезд бошлиғи жамият ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг деярли барча соҳаларида монополиячи ҳисобланиб, мустамлакачилик сиёсатининг моҳияти ва руҳини уезд миқёсида ҳаётга татбиқ этар эди [7.55].

Пахтага бўлган талаб ва пахтачиликни ривожлантириш учун ҳукумат томонидан кўрилган чоралар Туркистонда соҳанинг тобора тез ривожланиши ва қишлоқ хўжалигининг энг фойдали тармоғига айлана бошлашига сабаб бўлди [8.111].

Туркистоннинг иқтисодий ривожланиши Россиянинг пахтага бўлган эҳтиёжи билан белгилана бошлади. Ҳамма жойда ер майдонлари пахта экинлари учун ажратилди, бу ҳолат эса дон ва бошқа ғалла маҳсулотлари етиштиришнинг сезиларли даражада қисқаришига олиб келди. Россия ўз ғалласининг бир қисмини ўлкага ташиб келтира бошлади [9.163].

Туркистон секин-аста иқтисодий жиҳатдан Россиянинг ички хўжалик ҳаётига кириб борди, бу жойда пахта тозалаш, ёғ-мой ва бошқа саноат корхоналари вужудга кела бошлади. XIX асрнинг 80-йилларида Москвадаги тўқимачилик фабрикалари эгалари бу ерга Шимолий Америкадан узун толали пахтанинг янги навларини келтиришди, бу эса маҳаллий ишлаб чиқаришнинг азалий соҳаси бўлган Туркистон пахтасининг ҳосилдорлиги ва сифатини кескин оширди [10.808].

Фарғона вилоятида америка пахта навини иқлимлаштиришга дастлабки уриниш Марғилон уездида амалга оширилган. Уезд бошлиғининг Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига 1883 йил 11 августда жўнатган №4921 сонли маълумотномасида жорий йилда уезд бўйича фақат Яккатут волости Ёрмозор қишлоғида бир ярим таноб ерга америка пахта нави экилгани баён этилган [11.20-21].

Фарғона вилояти Туркистоннинг асосий пахтачилик райони ҳисобланиб, 1885 йилда вилоят экин майдонларининг фақат 1/7 қисмини пахта ташкил этган бўлса, 1915 йилга келиб ярми пахта экинидан иборат бўлган [12.27].

Архив ҳужжатларидаги маълумотлар америка пахта навининг ҳосилдорлиги ва сифати юқорилигини амалда синаб кўрган пахтакорлар йил сайин маҳаллий пахта нави ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган майдонларни қисқартириш ҳисобига шу нав экиладиган майдонларни кенгайтириб борганидан далолат беради.

Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг уезд бошлиқларига жорий йилда қанча десятина ерга америка ва маҳаллий пахта навлари экилгани тўғрисида маълумот беришни сўраб юборган 1889 йил 4 августдаги № 5607 сонли циркуляри волостларга ижро учун жўнатилган. Фармойиш юзасидан бажарилган ишлар кўрсатилиб, волость бошқарувчилари томонидан уезд бошлиғи номига юборилган маълумотномалар, одатда, қўлда ёзилиб, варақнинг чап томонида ўзбек тили (араб имлоси)да, ўнг томонида эса рус тилида (кириллча) матн битилган.

Масалан, Шаҳрихон волостидан уезд бошлиғига 1889 йил 31 августда юборилган № 3106 сонли маълумотномага кўра, 1889 йилда волостда 3910 таноб ерга америка нави, 772 танобга эса маҳаллий нав пахта экилган. Худди шундай маълумотномаларга кўра, ушбу кўрсаткич Қува волостида 3800 ва 2600, Асака волостида эса 2691 ва 1432 танобни ташкил этган. Барча маълумотномаларга волость бошқарувчилари араб имлосида имзо қўйган, ҳужжатдаги думалоқ муҳрда эса уезд ва волостнинг номи рус тилида ёзилган [13.13-31].

Волост бошқарувчилари ўз ҳисоботларида пахта экилган майдонлар ҳажмини белгилашда таноб, уезд бошлиқлари эса десятина атамасини қўллашган.

Подшо ҳукумати маъмурлари ўлкадан империя марказига ташиб кетилаётган пахта толаси сифатига ҳам диққат қаратишган. Масалан, Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Марғилон уезди бошлиғига 1891 йил 12 июлда юборган № 4823 сонли фармойишда Туркистон генерал-губернатори ўлкада пахта савдосини тартибга солиш бўйича тузилган алоҳида комиссия тақдимномасини кўриб чиқиб, маҳаллий пахта етиштирувчиларга келгусида биринчи терим пахтага кейинги терим пахтани аралаштириб юбормасликни тавсия этгани таъкидланган [14.1].

Маҳаллий шароитга иқлимлаштирилган америка навли пахтадан йил сайин мўл ҳосил олинишига эришилган. Хусусан, Марғилон уездида 1892 йилда америка навли пахтадан 705000 пуд ҳосил етиштирилиб, бир десятинадан ўртача 60 пуд пахта олинган бўлса, маҳаллий навли пахта ҳосили 193200 пудни ташкил этиб, бир десятинадан олинган пахта ўртача 40 пудни ташкил этган [15.61-62].

Етиштирилган америка навли пахта сифати маҳаллий нав сифатидан юқори бўлгани туфайли, нархи ҳам юқори бўлган. Марғилон уезди бошлиғининг 1895 йил 15-июнда № 4872 рақами билан қайд этилиб Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига тақдим этилган рапортида айтилишича, 1895 йил май ойида уездда америка навли 1-сорт пахта толаси бир пудининг нархи 6 рубль 50 коп., 2-сорти - 5 рубль 50 коп., маҳаллий навли пахта толасининг 1 пуди 4 рубль 80 коп.ни ташкил этган [16.25].

Пахта экин майдонларининг ҳажми йилдан-йилга ортиб борган. Марғилон уезди бошлиғи томонидан 1903 йил 3 июнда №3622 рақами билан қайд этилиб Фарғона вилоят бошқармасига юборилган маълумотга кўра, уезд бўйича жорий йилда 50000 десятина ерга пахта экилиб, шундан 42500 десятинаси америка навли пахта ва 7500 десятинаси маҳаллий нав пахта бўлган [17.3].

Уездда пахтачиликнинг ҳолати тўғрисидаги статистик маълумотларга тўхталадиган бўлсак, Асака участкаси ҳосилдорлик бўйича олдинги ўринда турган: участкадаги 9 та волостда 1896 йилда америка нав пахтадан 772.250 пуд, маҳаллий нав пахтадан 52.700 пуд ҳосил олинган [18.5-6].

Чор хукумати маъмурлари томонидан ўлкада пахтачиликнинг ҳолати маҳаллий матбуот нашрларида ҳам мунтазам ёритилиб борилган. Хусусан, “Туркестанские ведомости” газетасининг 1900 йил 23 июль сонида Фарғона вилоятида 1900 йилнинг 1 июнь кунига қадар пахта экишнинг ҳолати уездлар бўйича таҳлил этилган, унга кўра, жорий йилда ўтган йилдагига нисбатан пахта экин майдонлари ҳажми 33 фоизга кўпайиб, жами 40 минг десятинани ташкил этган [19].

1902 йил зилзиласи туфайли ҳамда қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ҳукумат томонидан берилган узоқ муддатли, шунингдек, чигит сотиб олиш учун ажратилган алоҳида кредитлар натижасида уезднинг барча жойларида пахта экиладиган майдонларнинг кенгайиши кузатилди.

Марғилон уезди Давлат мулклари мудири томонидан тузилган волостлар бўйича 1903 йил

1 июнь ҳолатига пахта экин майдонлари ҳажми тўғрисидаги маълумотномага кўра, жами 43611 десятинага пахта экилган [20.40].

Тарихчи олим Хамид Зиёев 1903 – 1905 йилларда Фарғона вилояти уездларида пахта экин майдонлари кенгайиб, ҳосилдорлик ўсиб борганини таҳлил этган. Унинг таъкидлашича, бу масалада Марғилон уезди олдинги ўринни эгаллаган. Масалан, 1904 йилда Марғилон уездида 3308085 пуд, Андижонда 283707, Қўқонда 2216696, Наманганда 1396787 ва Ўшда 164980 пуд, жами 9923622 пуд пахта териб олинган [21.102].

23-фонд ҳужжатларида Марғилон уездидаги пахта тозалаш заводлари фаолияти тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Марғилон уезди бошлиғи ёрдамчисининг 1892 йил 1 августда № 174 рақами билан қайд этилиб уезд бошлиғига тақдим этган рапортида ёзилишича, Эски Марғилон шаҳрида жойлашган 6 та пахта тозалаш заводида 1891 йил июлидан 1892 йил июлига қадар америка навли биринчи терим пахтадан 57850 пуд, кейинги терим пахтадан эса 3200 пуди тозаланган. Асака участка приставининг 1892 йил 4 августда № 1993 рақами билан қайд этилиб Марғилон уезди бошлиғига тақдим этилган рапортига кўра, Асака волостида 2 та пахта тозалаш заводи бўлиб, уларда 16700 пуд, Шаҳрихон волостидаги 1 та пахта тозалаш заводида эса 19000 пуд, учала заводда жами 35700 пуд тола ишлаб чиқарилган [14.1-2, 29].

Уездда йилдан-йилга пахта тозалаш заводлари сони ортиб борган. Фарғона вилояти бошқармасидан 1898 йил 24 январь куни №1089 рақами билан қайд этилиб Марғилон уезди бошлиғига юборилган хат мазмунига кўра, 1897 йил 29 ноябрда Эски Марғилон шаҳар Қаландархона даҳаси Жармасжид маҳалласида қуриб битказилган Абдураҳмонхўжа Бузрукхўжаевга тегишли буғда ишлайдиган пахта тозалаш заводи ва 1898 йил 3 январь куни Ярославль катта мануфактураси ширкати томонидан Яккатут волостининг Ёрмозор қишлоғида қуриб битказилган пахта тозалаш заводларини ишга туширишга рухсат этилган.

Марғилон уездида жойлашган заводлардан 2 фоизли ер солиғи ундириш бўйича тузилган рўйхатга кўра, уездда мавжуд 26 та заводнинг 21 таси пахта тозалаш заводи бўлган [22.9-11,20-26].

1903 йилда Фарғона вилоятида пахта тозалаш заводлари сони 115 тага етди, бу кўрсаткич Марғилон уездида 37 та, Наманганда 29 та, Андижонда 25 та, Қўқон уездида 24 тани ташкил этган [20.9-11, 20-26].

Уезддан империя марказига пахтанинг ташиб кетилиши масаласи ҳам 23-фонд материалларида акс этган. Масалан, 1900 йил 18 январда № 604 рақами билан қайд этилган Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Марғилон уезди бошлиғига юборган сўровномага жавобда 1899 йил 1 сентябрдан 1900 йил 1 февралга қадар уезддаги пахта тозалаш заводларида 2176255 пуд пахта толаси ишлаб чиқарилгани ва транспорт идоралари томонидан Россияга 425797 пуд, шундан Ванново темир йўл станцияси орқали 25765 пуд, Горчаководан 148110 пуд, Федченкодан 39107 пуд пахта толаси жўнатилгани қайд этилган [23.1-2,36].

23-фонд ҳужжатларида уездда пахтачиликнинг ривожланишида Шаҳрихон ирригация тизими муҳим ўрин эгаллагани тўғрисида маълумотлар орасида Марғилон уезди волостлари аҳолисининг 1907 йилдаги Асакадан Кампирроввотгача бўлган Шаҳрихон ирригация тизими ҳудудида телефон алоқасини ўрнатиш тўғрисидаги мурожаатлари бўйича ёзишмалар ҳам мавжуд. Марғилон уезди бошлиғининг 1907 йил 7 июнда Фарғона вилоят ҳарбий губернаторига юборган рапортига қўшиб тақдим этилган 10 та мурожаатномада қишлоқ жамоалари аҳолиси Шаҳрихонсой ирригация тизимида телефон алоқаси ўрнатишни сўрагани, илгари Кампирроввотда таъмирлаш ишлари олиб бориш учун аҳолидан йиғилган маблағнинг сарфланмай қолган қисмини бу ишга ҳаражат қилиш тавсия этилган. Волостлардан жўнатилган мурожаатномаларнинг матнлари варақнинг чап томонида ўзбек тилида (араб графикасида), ўнг томонида эса рус тилида битилган. Масалан, Қува волостининг Бекобод қишлоғида яшовчи аҳолининг 120 та хонадондан 93 тасининг вакиллари иштирокида қабул қилинган мурожаатнома волост бошқарувчиси томонидан имзоланган. Мурожаат хатида телефон алоқасининг ўрнатилиши келгусида Шаҳрихонсой ирригация тизими ҳудудида юз бериши мумкин бўлган фавқулодда ҳодисалар (сел келиши, сувнинг камайиши) олдини олиш учун зарурлиги таъкидланган. Шунингдек, Сегаза, Қоратепа – Човкент, Асака волостлари ҳамда Шаҳрихон волостининг Юқори Шаҳрихон қишлоғи оқсоқоли томонидан имзоланган ҳужжатларга думалоқ муҳрлар босилган, муҳрлардаги ёзувлар рус тилида бўлган [18.3-8].

XX аср бошларига келиб рус тўқимачилик саноати Туркистон пахтачилигининг ривожи туфайли жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллади [24.231], бу натижага пахтани етиштирган ўзбек халқининг оғир меҳнати туфайли эришилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, Марғилон уезди бошлиғи фондида сақланаётган ҳужжатлар келгусида чор мустамлакачилиги даврида Туркистон ўлкасида, хусусан, Фарғона вилоятида пахтачиликнинг ривожланиш жараёни тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
2. Жалилов С. Ватанимиз тарихини варақлаб (Тарихчининг ўйлари). –Андижон, 2004.
3. Алимов И.А. Архившунослик. Ўқув қўлланма.- Андижон, 2005.
4. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Т.: Шарқ, 2001.
5. Путеводитель. Центральный государственный исторический архив Уз ССР (Центральный годарственный архив Республики Узбекистан). Составители: З.И.Агафонова, Н.А. Халфин. – Т., 1948.
6. Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар (XIX аср охири – XX аср бошлари).- Т.: Наврўз, 2013.
7. Абдураҳимова Н.А., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими.- Т.: Академия, 2002.
8. Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан.- Т.: Фан, 1977.
9. Исаев И.А. История Отечества.- М.: Юрист, 2001.
10. История России. С древнейших времен до начала XXI в. Под.ред. А.Н. Сахарова. – М.: АСТ, 2006.
11. ЎзР МДА И.23-фонд, 1-рўйхат, 1442-йиғма жилд.
12. Валиев А.Х. Положение дехканства Ферганы в конце XIX - начале XX веков.- Т.: Госиздат, 1958.
13. ЎзР МДА И.23-фонд, 1-рўйхат, 1636-йиғма жилд.
14. ЎзР МДА И.23-фонд, 1-рўйхат, 1704-йиғма жилд.
15. ЎзР МДА И.23-фонд, 1-рўйхат, 1778-йиғма жилд.
16. ЎзР МДА И.23-фонд, 1-рўйхат, 1939-йиғма жилд.
17. ЎзР МДА И.23-фонд, 1-рўйхат, 2439-йиғма жилд.
18. ЎзР МДА И.23-фонд, 1-рўйхат, 2547-йиғма жилд.
19. Туркестанские ведомости. – 1900. - 23 июль
20. ЎзР МДА И.23-фонд, 1-рўйхат, 2559-йиғма жилд.
21. Зиёев Х. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари.) – Т.: Шарқ, 2006.
22. ЎзР МДА И.23-фонд, 1-рўйхат, 2119-йиғма жилд.
23. ЎзР МДА И.23-фонд, 1-рўйхат, 2230-йиғма жилд.
24. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000.

2015 йил 7 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)